



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2022 yil iyun soni №6 (32)

Toshkent-2022

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

**Илмий нашр
2022 йил июнь ойи сони №6 (32)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

ТАРИХ

“ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ (ИДЕНТИКЛИК)” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ (ЎЗБЕКИСТОН ДУНГАНЛАРИ МИСОЛИДА)

Ёсин Абдулбоқиевич ОРТИҚОВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Чирчиқ давлат педагогика институти

Чирчиқ, Ўзбекистон

yosin@cspi.uz

Аннотация

Ушбу мақолада замонавий ижтимоий фанлар тизимида кенг қўлланилаётган идентиклик ва этномаданий ўзликни англаш (этномаданий идентиклик) тушунчаси батафсил таҳлил қилинди. Мазкур тушунча бўйича турли хорижий ва ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий мулоҳазалари муҳокамага тортилган. Мақоланинг хусусий жиҳати сифатида муаммони тушунтиришда Ўзбекистон дунганлари борасида олиб борилган тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланилди.

Таянч сўзлар: идентиклик, этник идентиклик, маданий идентиклик, этномаданий идентиклик, маданият, этнос, миллат, дунганлар, маданий хотира.

“ОСОЗНАНИЕ ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ САМОБЫТНОСТИ (ИДЕНТИЧНОСТИ)” И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ (НА ПРИМЕРЕ ДУНГАНОВ УЗБЕКИСТАНА)

Ёсин Абдулбоқиевич ОРТИҚОВ

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Чирчикский государственный педагогический институт

Чирчиқ, Ўзбекистон

yosin@cspi.uz

Аннотация

В данной статье проводится подробный анализ понятия идентичности и этнокультурной идентичности, которые широко используются в системе современных социальных наук. Обсуждаются научные взгляды различных зарубежных и узбекских исследователей на данную концепцию. Для разъяснения проблемы широко использовались результаты исследований дунган Узбекистана.

Ключевые слова: идентичность, этническая идентичность, культурная идентичность, этнокультурная идентичность, культура, этнос, нация, дунгане, культурная память.

Замонавий жамиятларда маданиятлараро мулоқотнинг тезлашуви ва ўзаро таъсирнинг кучайиши натижасида нисбатан кам сонли бўлган халқлар ҳамда маданиятлар ўзидан кўпсонлиларнинг таъсирига тушиши, қайсидир жиҳатларида эса ўзлигини бутунлай йўқотиши, кўпсонлиларнинг ҳисобига бой бериш ҳоллари кузатишмоқда. Аини шу ўзликни англаш масалалари илмий тилда “этномаданий идентиклик” атамаси билан изоҳланади.

Аввало, “этномаданий идентиклик” тушунчасига ўтишдан олдин, унинг асосини ташкил этувчи “идентиклик” (identity) атамасига тўхталиш жоиз. Сабаби, “идентиклик” (identity)ни тушунмаган ҳолда этномаданий идентикликни тўғри англаш мушкулдир.

Ушбу атама шахс идентиклигида қўлланилиб, вақтлар ўтиши билан бошқа шунга яқин маъноли сўзларни истеъмолдан чиқарди ва уларнинг ўрнини эгаллади. Мазкур терминнинг кенг мақсадда фойдаланилиши унинг турли талқинлари пайдо бўлишига олиб келди, аммо аксига олиб, ушбу талқинларнинг маънолари бири-бирига тескари ҳам бўлиб чиқмоқда [1;31].

Фандаги ушбу ҳолат нафақат ғарблик олимлар, балки ўзбекистонлик мутахассислар орасида ҳам кенг тарқалган. Ўзбекистондаги этнология, социология ёки ижтимоий (маданий) антропология фанлари йўналишларида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар орасида идентиклик, миллий идентиклик, этник идентиклик, ижтимоий идентиклик, гуруҳ идентиклиги, диний идентиклик, этномаданий идентиклик, идентиклик инқироzi, гендер идентиклиги, тил идентиклиги ва бошқа мазкур атама билан боғлиқ замонавий сўзларга батафсил таърифлари ишлаб чиқилмаган, мавжудлари ҳам якунига етказилмаган. Уларнинг чегаралари, вазифалари, аҳамиятини аниқлаш, тадқиқ этиш, баҳолаш бўйича ҳам методологик тавсиялар

шакллантирилмаган. Шу сабабли, тадқиқот асосан “идентиклик” тушунчасига таянган ҳолда амалга оширилди.

Маълумки, “идентиклик” атамаси латинча сўздан олинган бўлиб, унинг ўзагини “idem”, яъни “худди ўзи” деган маънони англатади ва бирор-бир объектнинг турли ўзгаришларга қарамай, ўзлигини сақлаб қолишига айтилади [4;223]. Ушбу атаманинг пайдо бўлиши ва илмий муомалага киритилиши XX асрнинг 40–50 йилларида америкалик психоаналитик Э.Эриксон [7] номи билан боғлиқ. У идентикликни ўзига хос ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида тушунтириш жараёнида аввало, шахс ўзлигининг энг тубида жойлашган индивидуал идентикликни тадқиқ этади. Э.Эриксон унинг тузилишини ўзаро тўлдирувчи ва бир-бири билан бирга ишловчи қоидаларга асосланган ҳамда ташқи ўзгаришларга қарамай ўзлигини сақлаб қоладиган “эго-идентиклик” деб номлайди.

Идентикликнинг социология фани доирасида тадқиқ этилиши унинг тадқиқот объектини шахсдан жамиятга ўзгартириб юборди. Социологик қарашларга кўра, “идентиклик ижтимоий муносабатлар орқали шаклланадиган артефакт”дир [4;100]. М.Заковоротнаянинг фикрига кўра, инсоннинг ўзлигини – унинг жамият билан ўзаро муносабатини ва (вербал ва новербал) мулоқотини шакллантириб боради [3;130].

Идентикликнинг маданий-фалсафий табиатини назариётчилар ижтимоий антропология фани доирасида талқин этиб беришга ҳаракат қилган. Бу эса идентикликнинг ҳам психологик, ҳам ижтимоий нуқтаи-назарларнинг кесишмасида кўриб чиқишга имкон беради. Маданий-фалсафий қарашга асосан, идентикликнинг ички ва ташқи ўлчамлари доимо таъсир этиб боради ҳамда бири-бирини аниқлаштириш хусусиятига эга.

Натижада, идентиклик нафақат жамият томонидан, балки руҳий томонидан ҳам эътироф этилади.

Дарҳақиқат, инсон туғилиши ва улғайиб бориши давомида унда ижтимоий, диний ҳамда миллий дунёқараш ривожланиб, унинг маданий идентиклиги шаклланади. Инсон қайси маданий идентикликни қабул қилиши кўпроқ индивидуал танлов бўлса-да, унинг бор имкониятларининг намоён бўлиши шу танланган жамият, миллат даражасида амалга оширилади. Шунга асосан, этномаданий идентиклик инсоннинг ҳам индивидуал, ҳам жамоавий идентиклигини кўрсатиб беради. Этномаданий идентиклик – жамиятнинг бирлиги, бутунлигини сақлашга ва унинг бошқа жамиятларга қараганда ўзига хослигини кўрсатувчи кўзгу ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнида этномаданий идентикликни тўғри ва ўз вақтида шакллантириб бориш ҳамда унинг таркибини турли ижтимоий, миллий ва диний қадриятлар билан бойитиб бориш келажакда шу этномаданий идентиклик чегараларининг йўқолиб кетиш хавфини камайтиради. Шу жиҳатдан, глобаллашув жараёнига қарши тура оладиган маънавий ҳимоячилардан бири бу этномаданий идентиклик ҳисобланади. Шу сабабли, этномаданий идентикликни чуқур тадқиқ қилиш, унинг вазифалари, таркибий қисмлари, ишлаш жараёнларини тўғри аниқлаш, унинг доимийлиги ва узвийлигини таъминлаш – ўрганилаётган халқнинг “этномаданий идентиклиги”ни сақлаб қолишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бугунги кунда “ўзликни англаш” ва у билан боғлиқ барча жараёнларни ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда [1;33].

Шу ўринда табиий савол туғилади, этномаданий идентиклик ўзи нима? Этномаданий ўзликни англаш бу – шахснинг маданий белгиларига кўра у ёки бу этноижтимоий тузилма билан

умумийлигини англаши ҳамда, ушбу маданий умумийликнинг руҳий кечинмалар орқали хоҳ индивидуал, хоҳ жамоавий шаклдаги намоёиши каби мураккаб ижтимоий-психологик ҳодисадир.

Шу жиҳатдан ҳам ушбу муаммо психология, социология, этнология каби фанлар ўртасида ўрганилади. Шу билан бирга, этномаданий идентиклик тушунчасида этник ва маданий идентиклик тушунчалари кесишади. Буни қандай тушуниш керак? Бу бир томондан, ҳар қандай маданият ҳам маълум этник шаклда мавжуд бўлиб, кўпинча маданий ва этник тушунчалар ўзаро тенг муносабатда кўрилади. Янада соддароқ қилиб тушунтирганда, этник ва маданий белгиларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, аксинча улар бир-бирини тақозо этади, деб қараш ўринли бўлади. Этникликни кўрсатувчи белгилар ҳам аслида инсоннинг маданиятида намоён бўлади.

Этномаданий идентикликни сақлаб қолиш бугунги кунда нисбатан қийин жараёнга айланиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида кенг имкониятларга эга бўлган ижтимоий тармоқлар ва бошқа алоқа воситалари натижасида бир вақтнинг ўзида шахсда кўп идентиклик тушунчаси тобора табиий ҳолатга айланиб бормоқда. Замонавий ахборот воситалари янги идентикликлар шаклланиши учун қулай платформага айланиб қолмоқда. Ушбу ҳолат эса инсоннинг “ўзлигини” сақлаб қолишидаги катта синовдир [2;38]. Бундай вазиятда “ўзлиги”, шахсий “мени” ва ўз идентиклиги яхши шаклланмаган индивидда бошқа ёт гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли ортади. Индивид шахсий “мен”ини йўқотса, ўзининг оиладаги, жамиятдаги, давлатдаги ва бу дунёдаги ўрнини англай олмай қолади.

Идентикликнинг барча шакллари ўз доирасидаги идентиклик билан мулоқот жараёнида юзага келади ва шундагина ўзини яққол намоён этади. Масалан, иккита

бир этник ёки диний жамоага мансуб шахс бирга сафарга чиқадиган бўлса, ҳар иккиси эркин мулоқот қилади ва аксинча икки хил этник ёки диний жамоа вакилларида иборат бўлса, булар ҳар иккиси шеригидан фарқли жиҳатларини кўради ва ўзини ҳимоялашга ўтади. Шундай вазиятда уларнинг ҳар иккиси ўзидаги фарқли жиҳатларни кўрсатиб, айнан фарқли жиҳатларига урғу беради. Ушбу жараёнда шахсни бошқараётган куч айнан этник ёки диний, қолаверса, маданий идентикликдир.

Идентиклик турларини таҳлил қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, этномаданий идентиклик унинг бошқа турларига нисбатан кенгроқ тушунчадир. Чунки, унинг таркибига этносга хос бўлган маданий хусусиятлар ҳам киради.

Ушбу атамани илмий доирада кенг ёйилиши XX асрнинг иккинчи ярмида содир берди. Чунки, айнан ушбу даврда жамиятда халқларнинг ўзига хослигини сақлашга интилиши, ўз маданияти такрорланмас эканлиги ва инсонларнинг маълум бир этносга тегишлилигини англаши билан характерланадиган ижтимоий жараёнлар анча фаоллашди. Чунки, айнан мазкур даврдан бошлаб кўплаб нисбатан кичик халқлар ўзлигини сақлаб қолиш учун ўзига хослик ва этник келиб чиқишга бўлган қизиқишини турли шаклларда намоён қила бошлади. Буни қадимий урф-одатлар ва маросимларни қайта тиклаш, ўз миллий давлатчилигини яратиш ёки қайта тиклаш истакларининг пайдо бўлишида кўриш мумкин.

Этник ва маданий идентиклик тушунчаларининг ўзаро муносабатини шундай тушуниш керакки, бунда бир томондан, ҳар қандай маданият маълум этник шаклда мавжуд бўлади ва кўпинча маданий ҳамда этник тушунчалари ўзаро тенглаштирилади. Бироқ, ҳозирги глобаллашув ва ахборотлашиш даврида булар шартли ҳисобланиб, маданиятлар этник қолипдан чиқиб кетмоқда.

Америкалик олим Самуэл Хантингтоннинг фикрича, инсон ўз аجدодларини ўзгартира олмайди, бироқ маданиятини ўзгартириши мумкин. Одамлар бир эътиқоддан бошқасига ўтади, хорижий тилларни ўрганиш орқали ўзгача кадриятларни қабул қилади, янги турмуш тарзига мослашади. Ёшлар маданияти қисман аجدодлар маданиятидан фарқ қилади. Вақт ўтиши билан маданий жамиятларда ҳам глобал ўзгаришлар рўй беради. Бироқ, маданий идентиклик ўзгарса-да, этник идентиклик асосини сақлаб қолади [6;65]. Шубҳасиз, мазкур муаллифнинг қарашлари ҳақиқатга яқин бўлсада лекин унинг “этник идентиклик асосини сақлаб қолади” деб қатъий фикр бериши бирмунча баҳсли ҳисобланади. Агар, Самуэл Хантингтон таъкидлаганидек бўлса, унда ҳозирда мавжуд бўлган этнослар бундан кейинги минглаб йиллар давомида ҳам ўзлигини йўқотмаслиги керак. Афсуски, тарихий жараёнлар аслида бундай эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда қайд этиш керакки, юқоридаги фикрларда берилаётган “ўзгартириш” сўзи нисбийдир. Чунки, ўтмиш (аждодлар-этниклик)ни ўзгартириб бўлмайди, балки уни унутиш мумкин. Маданият эса келажакда яна ривожланиши ёки ўзгаришларга учраши мумкин. Қисқача ифодалганда, этниклик ўтмиш билан, маданият келажак билан баҳоланади.

Хусусан, ушбу ҳолатни дунганлар мисолида кўриб чиқиладиган бўлса, Фарғона водийсида яшовчи дунганлар этномаданий ўзгаришлар натижасида ўзлигини йўқотиб, ўзбек халқига хос этномаданий идентиклик кўринишларини олганлигини кузатиш мумкин. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида Фарғона водийсида яшовчи дунганларга “Сиз дунган экансиз, шу масалада суҳбатлашсак”, деб мурожаат қилинганида, уларнинг кўпчилиги бирмунча ҳайратга қолганлигини яширмайди (Дала ёзувлари.

Андижон вилояти Андижон шаҳри “Янги ўзининг этник маданиятларини унутиб, турмуш” маҳалласи. 2019 йил). Чунки, ўзбек маданиятини қабул қилган. Демак, айнан ушбу савол орқали уларнинг ушбу фикрлардан этниклик ҳам ўзгариши, унутилган ўзликлари ҳақидаги хотиралари аниқроғи, унутилиши мумкинлигини уйғонади. Айнан авлодлар алмашуви ва кўриш мумкин. маданиятлар умумлашуви натижасида

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аскарлов М. Замонавий жамиятда «идентиклик» масаласи / Международная научно-рецензируемая онлайн конференция «Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты» // e-science.uz. – Часть I, 2020. – С. 30-36.
2. Буденкова В., Савельева Е. Идентичность как предмет теоретико-методологического анализа: модели и подходы // Вестник Томского государственного университета, Культурология и искусствоведение. – Томск, 2016. №1 (21). – С. 31–44.
3. Заковоротная М. В. Идентичность человека: Социально-философские аспекты. – Ростов-на-Дону, 1999. – 200 с.
4. Косенчук Л. Сущность идентичности и основные подходы в её исследованию // Теория и практика общественного развития. – 2014. – №16. – С. 223-225.
5. Орлова Э. Концепции идентичности: идентификация в социально-научном знании / Вопросы социальной теории: науч. альм. Человек в поисках идентичности. – Москва, 2010. Т. 4. – С. 87–111.
6. Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности: пер. с англ. – Москва: АСТ, 2008. – 637 с.
7. Эрикссон Э. Идентичность: юность и кризис. – Москва: Прогресс, 1996. – 344 с.



М.ОМАНОВА. Миллий истиқлол даври романларида бадиий тафаккур ривожи.....	126
В.Т.НАФАСОВА. Жанубий Ўзбекистон гидронимлари тадқиқот объекти сифатида.....	131
Ф.АБДУЖАББАРОВА. Тилшуносликда метафоранинг ўрганилиши масаласи.....	136
М.У.НАМАЗОВА, Г.Ш.АБДИСАМАДОВА. Мактаб она тили таълимида антоним, омоним, синоним сўзлар луғатидан унумли фойдаланиш.....	143
Ф.Х.АБДУСАГАТОВА. Бевосита мулоқотли эшиттиришларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	152
С.ҒАНИЕВ. Минҳожиддин Мирзо ижодида метафоранинг ўрни.....	158
Г.В.АБДУЛЛАЕВА. Болалар шеърлятида пейзаж тасвири: издошлик ва ўзига хослик.....	163
Ҳ.Қ.АЛИҚУЛОВА. Ёр-ёр қўшиқларида миллий кийимлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	168
Ш.М.РАҲМОНОВА. “Шайбонийнома” достонида ритмик вариация.....	174
Ш.Б.НУРИДДИНОВ. “Девони Комил”нинг Туркия нусхаси тўғрисида.....	179
Ш.А.КАРИМОВА. “Махзан ул-асрор” ҳамда “Мажмаъ ул ахбор” дostonлари композициясининг қиёсий таҳлили.....	185
М.АБДУРАХМОНОВА. Рамз генезиси ва унинг тараққиёти.....	189
М.Х.ХАЙТОВА. Жамоатчилик билан алоқалар фаолиятининг \ ижтимоий-психологик асослари.....	194
Ф.С.ШЕРМАТОВА. Ритмико-тонические особенности и поэтика рифмы и реди́фа в газелях Назима Хирати.....	200
Ш.ИСЛОМОВА. Алишер Навоий қитъалари жанрлари олами.....	208
С.А.ЮСУПОВА. “Бобурнома” асосида хорижда яратилган бадиий асарлар тадқиқи.....	214
И.ХОЛМУРОДОВ. Хўжаназар Ҳувайдо адабий меросининг кўлами ва илмий таснифи.....	220
Д.Ж.ХУШБАХТОВА. Шеробод дostonчилик мактабининг шаклланиш тарихи ва тараққиёт тамойиллари.....	225
М.У.УЗОКОВА. Ахборот саводхонлигида юзага келаётган янги муаммолар тадқиқи.....	230
А.А.КАМОЛОВ. Адабиётда табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро таъсир муаммолари таҳлиliga доир.....	241
С.З.ҒАФФОРОВА. Ўзбек, рус ва инглиз халқ кумулятив эртакларининг қиёсий таҳлили.....	248

Фалсафа

И.А.АСАТУЛЛОЕВ. Ғарб фалсафасида қалб тўғрисидаги фалсафий фикрларнинг ривожланиши.....	253
--	-----

Тарих

Ё.А.ОРТИҚОВ. “Этномаданий ўзликни англаш (идентиклик)” тушунчаси ва унинг моҳияти (Ўзбекистон дунганлари мисолида).....	259
А.Х.РАХМАНКУЛОВА. Мобилизация населения Узбекистана на	